

БИТИРУВЧИЛАР ОЛИЙГОҲГА КИРИШИ УЧУН ID-КАРТАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

Олийгоҳга ҳужжат топшириш учун мактаб битиравчилари ID-карта олишлари керак.

Қабул бошланганида навбатлар кўпайиб кетиши мумкин. ID-карта олишни охирги кунларгача тақаманг.

Икки ҳафтадан сўнг мактабларда сўнгги қўнғироқ чалиниб, имтиҳонлардан кейин битиравчилар аттестат олади. Айнан аттестат ва паспорт (ёки ID-карта) олийгоҳга кириш учун ариза топширишда талаб этиладиган асосий ҳужжатлардир.

Бироқ ОТМларга қабул бошланишига оз вақт қолаётганига қарамай, туманимизда 11-синф битиравчилари 16 ёшга тўлган бўлса-да, ҳали ID-карта олмаганлари кўп.

Масъулларининг билдиришича, қабулга яқин қолганда ID-карта олишга уриниш узун навбатларни юзага келтириши мумкин, шу боис ота-оналарга сўнгги кунларга қолдирмай, тезроқ фарзандларининг ID-карта олишини таъминлашлари тавсия этилади.

ID-карта олиш учун ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиmlарига мурожаат этиш лозим. 16 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароларига 10 йил муддатга бериладиган карта (паспорт) 1 иш куни давомида расмийлаштириб берилади. Хизмат учун БХМнинг 89 фоизи (240 300 сўм) миқдорида давлат божи ундирилади.

- Олийгоҳга ҳужжат топширишда нафақат ID-карта, балки муддати ўтмаган биометрик паспортдан ҳам фойдаланиш мумкин. Эслатиб ўтамиш, 2021 йил 1 январдан 2011 йил намунасидаги (яшил) паспортларни бериш тўхтатилиб, ўрнига ID-карталар жорий этилган.

3.ШУМҚОРОВ,

туман ИИБ М ва ФРБ катта инспектори.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-05-10 14:17:57